

## БУХОРО АМИРЛИГИДА УСУЛИ ЖАДИД МАКТАБЛАРИ

У. ДОЛИМОВ\*

Тарихдан маълумки, неча-неча асрлар давомида Бухоро мусулмон оламининг таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, илм-фан ўчоғи бўлиб келган. XX аср бошларида мусулмон оламида машҳур бўлган «Шўро» журналининг муҳаррири, улуғ маърифатпарвар Ризоиддин Фахриддин ўзининг кўпжидлик «Асар»ида маълумот беришча, неча ўнлаб татар мутафаккирлари ҳам Бухорои шарифда таълим олганлар, уларни номма-ном санаб ўтади: Абдурахим Ўтиз Эманий, Абунаср Курсавий, Шихобиддин Маржоний, Абдуманих Биставий... Аммо Ризоиддин Фахриддин XIX асрдаги Бухорони эскилик ва схоластиканинг ўчоғи сифатида кескин фош этади: «Халқимизнинг Бухорога бориб таҳсил эта бошлаганларига энди юз йилдан ошди. Шу муддатда ўз истеъдодларини саклаб қайтувчилари жуда оз бўлди. Китоб дебочалари, шарҳ ва ҳошиялар, маънисиз баҳслар ўқиб, кўпнинг истеъдоди шу Бухоро мактабларида ҳалок бўлди. Бизга эса истеъдодсиз гавдалари қайтиб келди. Бу гавдалар халқимизнинг ортга кетувларига хизмат этдилар» [1].

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Бухорои шарифнинг маърифат тарқатиш борасидаги мавқеи бутунлай инкирозга юз тутган, мактаб-мадрасалар дастуридан аниқ фанлар олиб ташланган, мутаассиблик ҳукмрон эди. Бир сўз билан айтганда, Бухоро илм масканлари тубдан ислоҳ этишга муҳтож эди. Нафақат таълим-тарбия тизимини, биринчи навбатда, феода-давлат тизимини тубдан ўзгартириш керак эди. Буюк мутафаккир Аҳмад Дониш амир Насрулло, амир Музаффар, амир Абдулахад даврларида ниҳоятда кучайган инкирозни «Наводирул-вақое» («Нодир воқеалар»), унинг замондоши Мирзамухаммад Абдулазим Сомий «Тарихи салотини мангитийа доруссалтанан Бухорои шариф» («Бухорои шариф салтанатидаги мангит ҳукмдорлари тарихи») асарларида ҳаққоний баён қиладилар. Аҳмад Дониш «Наводирул-вақое» асарида Бухородаги тартибсизликларни, давлат бу аҳволда узоқ яшай олмаслигини фаранг ҳокими билан бухоролик сайёҳ ўртасидаги мунозарада фаранг тилидан аёвсиз фош қилади: «Подшоҳларнинг сакланишлари, уларнинг саломат туришлари, мамлакатнинг ободлиги, фуқаронинг тўқлиги сипоҳларнинг розилигига боғлиқдир. Сенинг гапингга қараганда, ерлар хароб, фуқаро оч, сипоҳлар муҳтож, амалдорлар, дафтардорлар золимдирлар. Бундай салтанат, бундай давлат ҳеч вақт узоқ яшай олмайди. Отаси яшаса ҳам болалари унинг ўрнига ўлтиролмайдилар. Ҳукумат интизоми бутунлай бузулди... Бунга ўхшаш мамлакатни ҳукумат, давлат дейиш тўғри эмас, балки уни гадолар подшоҳи, ожизлар ҳукумати десалар, тўғри айтган бўладилар» [2].

XIX асрнинг 70-80-йилларидаёқ Аҳмад Дониш Бухоро мактаб ва мадрасаларидаги ўқиш-ўқитиш методларини тубдан ислоҳ қилиш масаласини кескин қўйган эди. Садриддин Айний уни «Бухоронинг порлоқ юлдузи» деб атаган эди: «Агар эсимдан чиққан бўлмаса, 1316 хижрий (1898 милодий йили) эди... Аҳмад маҳзумни (Аҳмад Донишни-У.Д.) нима учун кофир дер эканлар? Аҳмад маҳзум шу китобда («Наводирул-вақое»-У.Д.) расмий муллаларни бераҳимона танқид қилган, уламо ва умаро орасида бўлган бузуқликларни очиб берган, дарс усулларининг нуксонларини ва Бухоро мадрасаларида ўқитилатурган дарсларни (нг) бир нарасага ярамаслигини ҳеч кимдан кўркмасдан ёзиб экан. Мана шунинг учун кофир дер эканлар. Мундан кейин Аҳмад маҳзум ким эканлигини танидим. Муллалар ва ўқиб юрган дарсга назарим бошқача бўлди. Хулоса, ушбу китобнинг мутолааси соясида муҳокама кўзғолди ва фикримда ўзгариш пайдо бўлди» [3].

1904 йилда Русиянинг Япония билан бўлган урушда енгилиши мустамлака Туркистон ўлкасида ҳам халқ аҳволининг кескин оғирлашувига сабаб бўлди. 1905 йил Русиядаги инқилобий воқеалар Бухоро амирлигига ҳам ўз таъсирини ўтказди. 1908 йилнинг ёз фаслида Исмоилбек Гаспрати иккинчи марта Бухорога келади. У бу сафар зиндилар билан учрашди, мактаб ва мадраса ислохоти масаласига алоҳида эътибор берди. Бухоро амирлиги ҳудудида ҳам «Таржимон» газетаси кенг тарқала бошлади, «усули савтия» методига асосланган татар мактаблари ҳам бирин-кетин очила бошлади. Шу пайтдан бошлаб Бухорода ҳам «жадид» ва «кадим» низолари бошланди.

Аҳмад Дониш вафотидан кейин унинг маосирлари, шоғирдлари ва ҳаммаслаклари Шариф маҳзум, Иноят маҳзум, Абдулмажид корн Зуфунун, Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин Айний ва бошқалар мактаб ва мадраса ислохоти борасидаги қарашларини амалиётда давом эттирдилар.

Бухоро амирлиги ҳудудида дастлабки «усули савтия» - усули жадид мактабларининг очилиши Садриддин Айний ва Мирза Абдулвоҳид Мунзим номлари билан боғлиқ. Садриддин Айний маълумотларига кўра, Бухорода татар муаллимлари очган усули жадид мактаблари мавжуд эди. Айний ва Мунзим ушбу татар мактабларидаги ўқитиш усулларини ўрганадилар ва ўз мактабларига татбиқ қиладилар: «Шундай қилиб, 1326 йил хижрийда шаввол ойининг ўнида (1908 йилнинг октябрида) Бухоро шахрининг ичида Дарбозан Саллоҳхона гузарида Мирза Абдулвоҳид уйида тожик тилида биринчи мартаба бухороликларга махсус усули жадида мактаби очдик. Бу мак-

\* Долимов У. – филология фанлари номзоди, Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ ўзбек филологияси факультети доценти.

табда икки ой муддатида ўқувчиларнинг адади 12 га етишди. Лекин таълим тартиби низоъ даражада бузук ва бизнинг барчамиз усул ва қавоиддан (янгича ўқитиш қоидаларидан-У.Д.) хабарсиз эдик. Ичимиз таълим ва ислоҳ ўти билан ёнмоқда эди» [4].

Мактабдорлар Мирза Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин Айний, Аҳмаджон Ҳамдий Бухорода фаолият кўрсатаётган татар муаллими Холид Бурнашев мактабига борадилар, таълим қоидаларидан тортиб, дарсхона тартибига, ўқитиладиган илмлардан тортиб, китоб ва дарсликларига танишадилар, маълумотлар оладилар.

1908 йилда Бухорода илк бор ташкил этилган «Биродари Бухоройи шариф» хайрия жамиятининг топшириғига биноан Садриддин Айний Самарқандга келади ва бир неча йиллардан бери жадид мактаби очиб, фаолият кўрсатаётган Абдуқодир Шакурый (1875-1943) мактаби, унинг ўқитиш усуллари билан танишади. Садриддин Айнийнинг бу таширифи А. Шакурыйни хайратга солмади, чунки «усули жадид»ни-«усули савтия тадрижия» методини ўрганиш мақсадида Шакурый ундан узокрокка - Қозонга, Истанбулга, Боғчасаройга борган, Исмоилбек Гаспралли билан танишган ва бир қанча ўқув дарсликлари, «Хўжан сибён», «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» алифбо ва методик қўлланмасидан бир неча нусха олиб келган эди. А.Шакурый С.Айнийга усули савтия мактаблари учун Исмоилбек Гаспраллининг «Хўжан сибён»ига ўхшаган дарслик-алифбо яратишни маслаҳат беради. Ушбу усули савтия мактаблари учун китоблар-дарслик ва қўлланмалар жуда зарур эди. С.Айний А.Шакурый таклифига амал қилиб, «Биродари Бухоройи шариф» жамиятининг муассислигида усули жадид мактаблари учун «Таҳзиб-ус-сибён» («Покиза бола») кироат дарслиги (ўқиш китоби)ни яратди, китоб 1909 ва 1917 йилларда икки қатла нашр қилинди. С.Айний ва А.Мунзим мактаби анча муваффақият қозонди, ўқувчилар сони кун сайин ортиб борди. 1909 йилнинг октябрида Бухоро тарихида биринчи марта ушбу мактабда ўқувчилардан имтихон олиш тантанаси бўлиб ўтди. Ёш-ёш болалар берилган матнларни бурро-бурро ўқидилар, домлаларнинг саволларига булбулдай жавоб бердилар. Ўқувчиларнинг билимидан, мактабнинг тартиб-қоидаларидан имтихонда қатнашганлар жуда мамнун бўлдилар, маърифатли бойлар мактабни дурустроқ бинога қўчириш ҳақида фикр билдирдилар. Хатто, муфти домла Икром мударрисларни, эски ва янги мактабдорларни, имтихон аҳлини, мулаларни бу улуг воқеа билан табриклади. Бухоронинг очик фикрли кекса зиёлиларидан тўксон яшарли Бўрибой афанди кўзига ёш олиб, мажлис аҳлига шундай мурожаат қилди: «Мен умидворманки, ўн йилгача Бухорода инкилоб воқеъ бўлур, ватан авлоди бу кунги разолат ва сафолатлардан қутулур. Эсизки, у кунни мен кўра олмайман, сиз ёшлар, кўрасиз. Минг қатла шукурким, ишнинг бошланганини кўрдим» [5].

Бу улуг хайрли иш ҳам неча-неча ўн йиллар давомида тараққиёт илдизига болта уриб келаётган, мил-

латни жаҳолатга, қоронғуликка судраётган, мустамлакачилар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган мутаассиблар-«қадимчи»ларнинг кескин қаршичилигига учради. Биринчи усули жадид мактаби Бухородаги Русия элчихонаси ходимларининг аралашуви билан ёпилди. Бу ишда Русия ҳукумати оҳангасининг яширин аъзоси, қозонлик татар Мулла Қамар домла ҳамда Русиянинг Бухородаги агентлиги ходими, порахўрликда ном чиқарган Шульга исми кимса катта фаолият кўрсатди. Ўзиборли томони шундаки, биринчи усули жадид мактабининг Бухорода таъкиб остига олиниши, унинг ёпилиши, мактабдорларнинг қувғин қилиниши Русия империясидаги туркий қардошлар газета ва журналларида акс садо берди. «Мулла Насриддин» ҳажвий журнали Бухоро мутаассибларини қош этувчи ҳажвий расмлар ва мақолалар эълон қилди.

Усули жадид мактабдорлари бундай тўсиқлар, таъкиб ва тазйиклардан қўчимадилар, улар ўз фаолиятлари доирасини кенгайтириб бордилар: Тошкент, Самарқанд, Фарғона водийси шаҳарларида фаолият кўрсатаётган мутафаккирлар билан алоқа боғладилар, Қирим, Туркияга талабалар юбориш, ўз сафларини ўсиб келаётган билимли ёшлар ҳисобига мустаҳкамлашга киришдилар. Бухоронинг илғор қучларини бирлаштириш зарур, бунинг учун жамият керак эди. 1909 йилда Бухоро жадидлари-Аҳмаджон Ҳамдий, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳамидхўжа Мехрий, Садриддин Айний, Хожа Рофеъ, Мукаммал Бурхон «Тарбияти атфол» («Болалар тарбияси») номли яширин жамият туздилар. Бу жамиятнинг саъй-ҳаракати билан усули жадид мактаблари яна бирин-кетин очила бошлади. Жамият низомида сиёсий масалалар ўз ифодасини топмаган бўлса-да, унда Бухоро амирлиги сиёсий тузумини ислоҳ қилиш, давлат маъмуриятига илғор ёшлардан киритиш ва шу йўл билан давлат сиёсий тузумида илғор ўзгаришлар яшаш қўзда тутилган эди. Жамиятнинг бирламчи масаласи Бухоро ўқув муассасаларини тубдан ислоҳ қилиш эди. Бухоро эски мактабларини ислоҳ қилиш иши амалда бошланган бўлса-да, олий ўқув юрти ҳисобланган мадрасалар ислоҳи бошланмаган, улар илмли, малакали мутахассислар тайёрлашдан йироқ эди. Шунинг учун «Тарбияти атфол» жамияти иктидорли ёшларни Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой, Истанбул каби шаҳарларга ўқишга юборишни биринчи вазифа сифатида белгилади. Бунинг учун маблағ керак эди. Халқ истикболи, маърифати учун жон қўйдирувчи мулкдорлар ҳам, иктисодий ёрдам берувчи зиёлилар, давлат арбоблари ҳам топилди. Жамиятнинг катта саъй-ҳаракати натижасида унинг дастлабки йилиёқ бир гуруҳ ёшлар Истанбулга ўқишга юборилди. Садриддин Айний бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Икмоли таҳсил учун Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли (1878-1968), унинг биродарлари Атохўжа (1894-1938), Мазҳар Маҳзум Бурхон Маҳзум ўғли, Абдурауф Фитрат, Муқимбек Истамбулга сафар қилдилар. Фитрат мазкур таалабаларнинг энг истеъдодлиси ва энг фозили эди» [6].

Туркияга ўқишга келган ёшлар Истанбулда Абдурауф Фитрат бошчилигида «Тарбияти атфол» жа-

миятининг «Бухоро таъмили маориф жамияти» номи билан шубасини очди. Бу шубанинг асосий вазифаси Бухоро ва Туркистондан Туркияга ўқишга келган ёшларга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш эди. 1912 йилга келиб, Истанбул ўқув юрларида тахсил олаётган бухоролик ва туркистонлик талабалар сони 30 га етди.

Истанбулда ўқиётган талабалар ва ушбу жамиятнинг саъй-ҳаракати орқали Туркияда нашр қилинаётган «Турк юрти», «Таърифи муслимин», машхур турк шоири Меҳмет Акиф муҳаррирлигида чиқаётган «Сирот ул-мустаким» («Тўғри йўл») газета ва журналлари Бухорога ҳам кенг тарқала бошлади.

Бухоро жадидларининг «Тарбияти атфол» жамиятининг ўз олдида қўйган улут мақсадларидан яна бири ўз матбуот органига эга бўлиш эди. 1905 йилги рус инқилоби Русия империясини ларзага солди, Николай подшоҳ бир оз чекиниб, 17 октябрда манифест эълон қилишга мажбур бўлди. Ушбу манифестга биноан баъзи бир демократик ислохотлар билан бир қаторда, матбуот эркинлиги расман эълон қилинган эди. Бундан фойдаланган Туркистон жадидлари «Тараккий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Садойи Туркистон», «Садойи Фаргона» каби қатор газеталар нашр қилдилар. Улар Бухоро мутафаккирларига ҳам қучли таъсир кўрсатган эди. Жамиятнинг саъй-ҳаракати билан 1912 йил 11 мартдан тожик тилида «Бухоройи шариф», 1912 йил 14 июлдан ўзбек тилида «Турон» номли газета нашр қилина бошланди. Бу икки газета нафақат Бухорода, балки бутун Туркистон ўлкасида ҳам катта эътибор қозонди. Мактаб ва мадрасалар ислохоти, «усули савтия» мактабларини тарғиб-ташвиқ қилувчи ўнлаб мақолалар эълон қилинди. 1912 йил сентябрдан «Турон» газетаси муҳарририяти Истанбул дорулфунунини битириб келган Ғиёс маҳзум Хусайний қўлига ўтди. Газета энди ҳафтада 3 марта мунтазам чиқиб турди. Бу икки газета маърифат ахлига қучли таъсир кўрсатди, илм-маърифат йўлини машъал каби ёритди. Бухоронинг ҳамма гузарларида янги мактаблар қайта очила бошланди, бунга асосий сабаб шу икки газета бўлди. Уларнинг муштариёлари кун сайин бутун Туркистон ўлкасида ҳам кўпайиб бормоқда эди. Бу ҳол мустамлакачи маъмурларга маъқул эмас эди, газеталарни ёпиш учун эса сабаб топа олмас эди. Бундай вазиятларда улар маҳаллий ҳукумат номидан иш қўрар эдилар. 1913 йил 2 январда Бухородаги рус элчихонасидан Петров имзоси билан шундай фармойиш келди: «Бухоро амири жаноби олийнинг хоҳишлари билан ушбу кундан эътиборан «Бухоройи шариф» ва «Турон» газеталари тўхтатилди».

Русия ҳукумати Бухорода нафақат амирлик давлат тузуми ислохотига, ҳатто мактаб ва мадрасалар ислохотига ҳам тиш-тирноғи билан қарши эди, шу билан бирга, омма ўртасида амирга қарши низо ўйготиш учун курашар ва бу билан ўзини «оппоқ» қилиб кўрсатишга уринар эди.

1913 йилнинг баҳорида Истанбулда ўқиётган бир гuruh ёшлар - Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Атохў-

жа, Фитрат, Ҳомидхўжа ватанларига қайтиб келдилар. Улар ҳам Бухорода «усули жадид» мактаби очиб, ишга киришдилар. Уларнинг саъй-ҳаракати билан «Маърифат кутубхонаси» ва «Баракат ширкати» очилди. Бу кутубхонанинг асосий мақсади «усули савтия» мактабларини китоблар, дарсликлар билан таъминлаш эди. Шу мақсадда жадид зиёлилари Туркияда тахсил кўраётган бухоролик ёшлар билан алоқа боғладилар: ҳар бир янги чиққан китоблар, дарсликлар, Татаристон, Қирим, Озарбайжонда чиқадиган нашрлар кутубхонага келиб турди. 1913 йилда Ҳомидхўжа ва Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли Бухорода, Атохўжа ва Фитрат Шаҳрисабзда мактаб очди, мактаб ишлари анча ривож топди. Усмонхўжа мактабида 200 нафар, Ҳомидхўжа мактабида 100дан ортиқ ўқувчи таълим ола бошлади. Ўқитувчиларга, айниқса, «усули савтия» методини биладиган ўқитувчиларга эҳтиёж нихоятда ошди. Самарқанд, Тошкентдан муаллимлар олиб келдилар, усули таълим ва тадриси ўрганмоқ учун яширин жамият Ҳошим Қорини Боғчасаройга, ёш ўқитувчилардан Зиёиддин маҳзумни Уфага, Заҳириддин Фаҳриддинзодани Оренбургга юборди.

Жадид мутафаккирлари илм-маърифат йўлида қанчалик саъй-ҳаракат қилмасинлар, уларнинг фаолияти Бухоро шароитида шунчалик каттик қаршиликларга учради, ҳатто улар азиз ҳаётларини ҳавф остига қўйиб ислохот ишларини амалга оширдилар. Жадидчилик ҳаракатининг ашаддий душманларидан бўлмиш Бурҳониддин Бухоро қозикалони мансабини эгаллагач, дастлабки ҳаракати «усули жадид» мактабларини ёпиш бўлди. «Усули жадид» мактабларининг биринчи бор 1909 йилда ёпилишида ва бу мактабларнинг бунёдкорлари Садриддин Айний ва Мирзо Абдулвоҳид Мунзимнинг Бухородан қувғин қилинишида ҳам шу Бурҳониддин бош-қош бўлган эди.

Бухоро ҳудудида усули жадид мактабларининг кенг қулоч ёзишида айниқса Мулла Икром (1848-1928)нинг хизматлари катта бўлди. Бу инсон ҳали жадидчилик ҳаракати Бухорога кириб келмасдан анча олдин Аҳмад Донишнинг ислохотчилик ғоялари таъсирида бўлган, бир неча бор Туркияда бўлган, у ердаги таълим-тарбия тизими билан чуқур танишган, усули савтия методини ўрганган, Бухоро уламоси ўртасида катта мавқега эга бўлган мударрис эди. У билан ҳатто усули жадид мактабларининг ашаддий душмани, 1910-1920 йилларда Бухорода қозикалон вазифасини бажарган Бурҳониддин ҳам хисоблашишга мажбур эди. 1914 йилда Бухоронинг машхур эшонларидан Шояхсийнинг пайғамбар ёшига тўлиши муносабати билан катта маросим ўтказилди. Унда амирликнинг деярли ҳамма қазо-қазолари иштирок этади. Ушбу йилда Мулла Икром ва қозикалон Бурҳониддин ўртасида «усули жадид» мактаблари хусусида катта тўқнашув бўлиб ўтади. Албатта, ҳамма йилларда ҳозир нозир чор амалдорларидан Бухоро полицияси бошлиғи Вильман ҳам бўлади ва 1914 йил 14 июнда сиёсий агентликка бу йил ҳақида батафсил рапорт йўллайди. Эски мак-

таб тизимини ҳимоя қилиб чиққан Бурхониддинга қарши мулла Икром мунозара сўнида қуйидаги оташин сўзларини баён этди: «Ҳозир ҳам Бухоро ўз олимларига эга. Аммо булар ўз ҳаётини бутунлай илм-фанга бағишлаган ўн минглаб кишилар орасидан чиққан бахтли инсонлардир. Нима учун биз Бухоронинг гуллаб-яшнаши ва равнақи учун ҳукуматдан эски усулни янгиси билан алмаштиришни талаб қилдик? Агар Бухорода бошқача шароит бўлганида, бундай олимлар сони мингларга ҳам етган бўларди. Мен амалдорлар билан рухонийлар орасида ўзимга мадал топмасам, муқаддас иш учун очик кураш майдонига кириб, жабр чекишга ва ўз ўлимимни қабул қилишга ҳам тайёрман».

1914 йил 4 июлда Бурхониддин қозикалон жадид мактабларини бадном қилувчи ва бу мактабларни тезда ёпишга қаратилган қуйидаги мазмунда амир Олимхонга ариза ёзади: «Амир марҳум (амир Абдулаҳад кўзда тутилмоқда-У.Д.) даврларида уламанинг фатволари билан усули жадид мактабининг ҳаром ва бидъатлиги собит бўлиб, жаноби олийнинг амрлари билан ёпилган эди. Бир неча вақтдан бери яна муфсид жадидлар бош кўтариб, шахарнинг ҳар тарафида мактаблар очиб, халқнинг болаларини бузиб, фитна ва фасод кўзгагиб юрибдурлар. Агар жаноби олийнинг амрлари билан ушбу мактаблар тезлик билан боғланмаса, муллабаччалар бу бидъатни барҳам бермоқ учун ўзлари кўзгалишлари аниқдир. У ҳолда мамлакатда фитна ва фасодлар кўпайиб, давлати олийга зарар етиши эҳтимолдир» [7].

Шу тарика усули жадид мактаблари иккинчи марта ёпилди. Биринчи жаҳон уруши йилларида «усули савтия» мактаблари сони яна бирмунча кўпайди, мактаблар ислохоти масаласи яна кўтарилди. Бухородаги рус элчихонасининг бошлиғи Б.В.Миллер [8], элчихона масъул ходимлари П.П. Вединский, Шулга ва Бухорода Россия полицияси бошлиғи Вилман ислохотчиларга қарши очик курашга ўтдилар. Айниқса, Вилман полициячилар билан бирга хоҳ-

лаган бухороликнинг уйига кириб, ислохотчиларни қидириб, тинтув ўтказар, одамларга зулм қилар эди.

1917 йил феврал инқилобидан кейин Бухоро амирлиги ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун бирмунча ислохотга розилик билдиргандек ҳаракат қилди. Шу муносабат билан 1917 йил 7 апрел куни «Арқи олий»да амирнинг олий фармони эълон қилинди. Фармони олийга бағишланган катта йиғинда Самарқанддан бухороликларни муборакбод қилиб, Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг қарвонбошиси Махмудхўжа Бехбудий маъруза қилди. Эртаси куни Бухоро жадидчилиқ ҳаракати намояндалари-ислохотчилар қамокка олиндилар: С.Айний ва Мулла Назрулло Лутфий 75 таёқ жазосига ҳукм қилиндилар. Мулла Назрулло Лутфий ушбу жазо туфайли ҳалок бўлди. Бу машъум воқеа муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилган ёру биродарларга С.Айний «Вакт» газетаси орқали миннатдорчилик билдирган эди: «Бухоронинг маълум ҳодисалари вақтида Бухоро ҳукумати тарафидин 75 таёқ билан урилиб, ўлим ҳолида Қогон хастахонасига келтирилиб ўрунлаштирилишум муносабати ила ҳар тарафдин таниш-билиш, дўст-ошноларим мактуб ила иёдат қилдилар. Бу мухтарам зодларнинг қайғусина хусусий жавоб ёзишга иқтидорим эришмаганлиги учун самимий ташаккурларимни арз қилурга мазкур газетангизнинг воситаси бўлувин ўтинаман. Эҳтиром ила мударрис С.Айний. Янги Бухоро, хастахона» [9].

Жадидчилиқ ҳаракати Бухоро амирлигида Туркистон ўлкасига нисбатан кеч вужудга келди. Бунинг объектив сабаблари бор. Бухородаги мутаассиблик ва уни рағбатлантирган мустамлакачилар ўлка тараккиётининг душманлари эди.

Шунга қарамадан, жадидчилиқ ҳаракати Бухорода шиддат билан ривожланди, ҳатто унинг сиёсий босқичга кўтарилиши Туркистон жадидларига нисбатан олдинроқ кечди. Бу жараёнда, айниқса, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаевлар катта фаолият кўрсатдилар.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ризоиддин Фахриддин. «Декарт» мақоласи, «Шўро» журнали, 1915, 21-сон, 642-бет.
2. Аҳмад Дониш, Наводирул-вақое, Ўзбекистон «Фан» нашриёти, Тошкент, 1964, 274-бет.
3. Садриддин Айний, Бухоро инқилоби учун материаллар. Асарлар, саккиз томлик, биринчи том, Тошкент, 1963 йил, 198-бет.
4. Радий Фиш, Раҳим Хошим. Глазами совести, Москва, 1980 г., стр.134
5. С.Айний, Асарлар, саккиз томлик, биринчи том, 210-бет.
6. С.Айний, Юқоридаги асар, 233-бет.
7. С.Айний, Юқоридаги асар, 252-253-бетлар.
8. Миллер Б.В. (1877-1956), Россия империясининг Табриз, Туркия, Мароккодаги генерал-консули, 1914-1917 йилларда Бухоро амирлигидаги элчиси. Шарқшунос, катта ҳажмдаги «Форсча-русча луғат»нинг муаллифи. Бутун фаолияти Россиянинг мустамлакачилик мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган.
9. «Вакт» газетаси, 1917 йил, 10 май.

#### РЕЗЮМЕ

Новометодные школы в бухарском эмирате начали появляться в начале XX века. В статье рассматривается формирование и развитие этих школ в территории эмирата.

#### SUMMARY

New method schools in Buharan Emirate have begun in the beginning of XX century. In clause is considered formation and development of these schools in territory of Emirate.